

Fano mulkida ne ersa, fanoiyikim xush ermasdur,
Yana nafsingga ne arsa daviyikim, xush ermasdur
Jamol, bu lazzati davron havoiyikim xush ermasdur,
Havoyi gulshani quddus et, Navoiyikim xush ermasdur,
Zag'nalar birla bo'lmoq bu gulshanda bo'lmoq benavo asru.

Fono qismati senga hamma vaqt ham yupanch emas
nafsing uchun hech narsa yaxshi emas. Ey Jamol, deya
o'ziga o'zi murojaatida ko'rinib turganidek bu davr sen
uchun yaxshi emas sen o'zing uchun ozodlik gulidan bir

Adabiyotlar

1. Xurshid Davron. Ko'ksi kuyik shoir. www.kh-davron.uz
2. Jamol Kamol. Abadiyat ostonasida. 4-jild, («Navoiy va biz» maqolasi). –Toshkent: «Fafup Fyulom», 2018.

Ushbu maqolada taniqli tarjimon Jamol Kamolning Navoiy ijodiga bo'lgan qarashlari va uning “Asru” nomli g'azaliga bog'langan muxammasi sharhi berilgan.

В статье даётся комментарий известного переводчика Джамала Камала по творчеству А.Навои и анализ газели «Асру».

REZYUME

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

The article gives an overview of the well known translator Jamal Kamal and his commentary on the creative work of A.Navoi and analysis of his gazelle “Asru”.

МЕТАФОРАЛАР ТАРЖИМАСИ ТАХЛИЛИДА КОНТЕКСТНИНГ ЎРНИ

Г.Ю.Рофиева - таянч докторант

Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: метафора, контекст, метафора таржимаси, контекстуал тахлил, диалектик система, компонент тахлил, концептуал метафора, метафорик-функционаллик, метафорик-метонимия, метафорик-синекдоха.

Ключевые слова: метафора, контекст, перевод метафоры, контекстуальный анализ, диалектическая система, компонентный анализ, концептуальная метафора, метафорическая функциональность, метафорическая-метонимия, метафорическая-синекдоха.

Key words: metaphor, context, metaphor translation, contextual analysis, dialectic system, component analysis, conceptual metaphor, metaphorical functionality, metaphorical-metonymy, metaphorical-synecdoche.

Ҳар бир сўз луғавий маъносидан ташқари ўзининг контекстуал моҳиятига эга. Сўзларни тўлиқ матн таркибида таҳлил қилиш муаллиф мақсадини тўғри тушунишга кўмаклашади. Жумладан, метафоралар, хусусан, уларнинг таржимаси бутун контекстни таҳлилини талаб этади. Мазкур таҳлил бадий асар таржимасининг адекватлик даражасини аниқлашда ёрдам беради. Жумладан ўзбек ёзувчиси Эркин Аъзамнинг “Шовқин” асари французча таржимасини ўқир экансиз, метафораларнинг таржимада ўз хусусиятларини йўқотмасдан берилиши қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Масалан куйида берилган гапларда метафоралар ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда берилган:

Ўзбек тилида: - Шошириб эмиш, кўп йиллар бурун бошидан кечган эски савдоларни **қайта тиглаб**, нари-берисини айтмаганда, бир маромда бораётган бугунги турмушини **алғов-далғов қилиб юборди** деса бўлади [6:5].

Француз тилида: - Elles le **perturbèrent profondément**, le forçant à revivre un événement vieux de plusieurs années, si bien que sa vie au quotidien s'en trouva **réduite à un immense désordre** [7:3].

Ушбу парчада “тигламоқ” сўзи метафорани ҳосил қилиб, унинг айнан қайси моҳиятда ифодаланиб келишини унинг семалари таҳлили орқали билишимиз мумкин:

Тигламоқ *кт.* Тиг урмоқ, кесмоқ.

Бағрини (*ёки* **кўксини, юрагини**) **тигламоқ** Рухий ёки маънавий азоб бериб, эзиб, юрагини доғламоқ, яраламоқ. *Буўйлар кичик Умидни азоблар, бағрини тигларди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ғам ханжари билан кўксин тиглади.* Ғайратий. *Сени дея кўп йиғладим, Юракларимни тигладим.* «Нигор ва Замон» [4:132].

Демак мазкур ўринда “тигламоқ” сўзи “руҳий азоб бермоқ” маъносини ифодалаб, француз тилида “**perturbèrent profondément**” жумласи билан берилган ва ушбу сўзлар луғатда куйидагича ифодаланган:

perturber vt бузмоқ, халақит бермоқ; *la grève* va *perturber* les transports иш ташлаш транспорт ҳаракатига халақит

то'шак yaratishni istagan Navoiyning istagi yaxshi,lek qaroqchilar orasida ovozsiz gul bo'lishning hech qanday foyda yo'q deb izoh beryapti.

Xulosa qilib aytganda, Alisher Navoiy bu g'azali bilan davr ruhini chiza olgan desak xato qilmagan bo'lamiz. Inson hayoti davomida chekadigan zahmmatlari, taqdir zarbalari muxtasar qilib ayini shu g'azal matnida bayon etgan. O'zbekiston xalq shoiri Jamol Kamol ushbu g'azaldan ruhlanib o'z san'at asarini yaratgan desak mubolag'a bo'lmaydi.

беради; *fam il avait l'air perturbé* унинг кўриниши хаяжонли эди [5:407].

profondément adv чуқур; *creuser profondément la terre* ерни чуқур қовламоқ; *dormir profondément* чуқур уйкуга кетмоқ; *respirer profondément* чуқур нафас олмақ; *je l'aime profondément* мен уни юрагимнинг тўридан севаман; *c'est profondément différent* бу тубдан бошқача [5:450].

Юқоридаги парчада берилган “эски савдоларни тигламоқ” жумласи француз тилига ўгириш жараёнида маъно жиҳатдан фарқ қилувчи сўз билан берилган бўлсада, ўз моҳиятини ва метафорик хусусиятини йўқотмаган. Бу эса бадий асар қийматини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, гаптаги турмушини “**алғов-далғов қилиб юборди**” жумласи ҳам метафора бўлиб, француз тилида “**réduite à un immense désordre**” тарзида ўтирилган ва бунда ҳам метафора хусусияти сақланган.

Навбатдаги мисолларни кузатамиз:

Ўзбек тилида: - Лекин ногаҳон **чақмоқ чакнаган мисол бари остин-устин бўлиб кетди** [6:5].

Француз тилида: - Il est vrai que ces événements étaient tous derrière lui maintenant, pour le meilleur ou pour le pire et que la vie aurait pu se dérouler normalement, mais comme **le tonnerre que l'on n'attend pas**, tout se trouva soudain **bouleversé** [7:3].

“Чақмоқ чакнаган мисол” жумласида “мисол” сўзи мавжудлиги сабаб ушбу жумла ўхшатишга мансубдек туюлиши мумкин, лекин гапта жумланинг моҳияти ва англатиб келаётган маъно вазиятга нисбатан кескинликни билдиради. Шунинг учун ҳам ушбу жумла метафора сифатида тушунилади. Шунингдек, “**бари остин-устин бўлиб кетди**” жумласи ҳам метафора бўлиб, бунда ҳодиса – нарса сифатида ҳаракатланмоқда ва бу француз тилида “**tout se trouva soudain bouleversé**” деб таржима қилинган. Ушбу сўзнинг қай даражада метафоралашганлигини билиш учун луғатга мурожаат қиламиз:

bouleverser vt 1. Ағдармоқ, йиқитмоқ; 2. Хаяжонга солмоқ; 3. тўнтармоқ; *il a tout bouleversé dans la maison* у бутун уйни ағдар-тўнтар қилди [5:71]. Метафора

асосида ўхшашлик туриши масаласида шу соҳа билан шуғулланаётганларнинг ҳаммаси, деярли, ҳамфикр. Аммо ана шу ўхшатишнинг метафорадаги ўрни ва мустақил кўриниши борасида фикрлар ажралиб кетади.

"Метафора қисқарган ўхшатишдир" (А. А. Потебня). Яъни ўхшатишга хос бўлган **"каби"**, **"худди"**, **"айнан"**, **"ўхшамок"** ва ҳоказо сўзлар туширилса, метафора юзага келади:

У гул каби - гўзал ва нафис эди // У гўзал ва нафис гул эди.

Поляк олими Й.Касян ҳам юқоридаги фикрни ривожлантиришга ҳаракат қилади: "Агар келиб чиқишини текширадиган бўлсак, шаксиз, аниқлаш мумкин бўладики, у ёки бу метафора у ёки бу ўхшатишдан ривожланган бўлади. Мазкур назария асосида юқорида берилган **"чақмоқ чақнаган мисол бари остин-устин бўлиб кетди"** жумласини метафора сифатида беришимиз мумкин.

Бироқ шундай асосда худди қарама-қарши хулоса ҳам чиқариш мумкин - кўплаб ўхшатишлар метафорадан келиб чиққан". Шунинг учун айрим олимлар метафора ва ўхшатиш орасидаги фарққа алоҳида эътибор берганлар. Масалан, Веселовский, И.Кукин, М.Штейнлар фикрича, ўхшатишда ўхшатилаётган нарсалар ажралиб тасаввур қилинса, метафорда улар бир бутундек тушунилади [2:109-119].

Ўхшатиш ва метафоранинг бундай тигиз олиб ўрганилиши А.Вежбитскаяда эътироз туғдиради [3:102].

Ҳар иккала ҳодиса асосида Ўхшашлик ётиши мутлақо уларда ички семантик фарқ йўқ деган хулосага олиб келмаслиги керак: "... Метафора ва ўхшатиш ички таркиби (глубинная структура) билан фарқланади" [3:43].

А.Вежбитская фикрича, метафора моҳиятан инкорни назарда тутди: кўзлар - олов, инсонлар - ваҳший шерлар дейилганда, ҳеч ким ҳақиқатан ҳам кўзни олов, одамни шер деб ўйламайди, бундай фикрни рад этади, инкор қилади. Ўхшатишда эса ўхшашлик ўз мавқеини сақлаб қолади [3:47]. Қадимий метафоралар мазмуний қурилишини текширар экан, Ортега-и Гассет ҳам шунга ўхшаш фикрни олға сурганди: "Онг ривожланишининг жуда ибтидоий босқичларида метафоранинг луғавий ифодасида, иккиланган жараён аввало тасдиқ, сўнг инкор акс этиб туради" [3:74].

Инкорнинг метафорик мазмун таркибида тутган ўрнини янада кенг тушуниш натижасида Монро Бирдели метафора таркибида ўхшашлик борлигини рад этади. Унингча, метафорик боғланиш асосида ўхшашлик эмас, мантикий қарама-қаршилик ётади. Масалан, "қулаётган куёш" метафорасининг юзага келишида куёшга қулишнинг умуман хос эмаслиги, унингча, зиддиятни келтириб чиқаради ва метафора асосида айнан шу зиддият туради. Аммо бу ўринда М. Бирдели ҳам ҳар қандай оппозиция, ҳар қандай зиддият асосида ўхшашлик туришини назардан четда қолдиради. Агар муайян ўхшашлик бўлмаса, зиддият юзага келмайди. Бирдели ҳам, демак, ўхшатиш ва метафорани турлича ички қурилишга эга ҳодисалар сифатида баҳоловчилардан-да фарқ қилиб, улар орасида мутлақо боғлиқлик кўрмайди.

Демак, метафора ва ўхшатиш орасидаги муносабатга қараш икки хил экан:

1. Метафора қисқарган ўхшатиш, яъни улар орасида фарқ ташқи шаклланишидадир.

2. Метафора ва ўхшатиш ўзаро мазмуний (ички) шаклланив жиҳатидан фарқ қилади.

Умуман, метафорага берилган таърифларда уни ёндош ҳодисалар билан қўшиб юборилган ҳолатлар кўп учрайди. Жумладан, қуйидаги мисолда берилган метафоралар вазифодошлик тасвирий ифодасига ўхшаб

кетсада, ундаги мантикий асос метафорага ишора қилади:

Ўзбек тилида: - Сценарий муаллифи бўлмиш Фарҳод Рамазон **"Шу "хонтахтачи" ялтироқ** болани қўйинлар", деб бошида оёқ тираган эди, дастлабки видеосиновларни назардан ўтказгач, қўнмай иложи қолмади: бутунлай бошқа қиёфага кириб, қўнғилдаги қаҳрамоннинг ўзгинаси бўлиб кетибди **касифат!** [6:9].

Француз тилида: - Au départ, le scénariste Farkhad Ramazan n'avait pas voulu de **ce jeune homme trop bien élevé** pour son film, mais après avoir regardé les essais, il admit que cet **enquiquineur** pouvait tenir le rôle principal [7:7].

enquiquineur, euse n жонга тегадиган, зериктирадиган, безор қиладиган киши ёки аёл, хира, шилқим, ёпишқоқ [5:198].

Ш.Рахматуллаев метафора кўчимининг бошқа турлари билан синкретик ишлатила олиш имкониятига эътибор қаратади: метафорик-функционаллик, метафорик-метонимия, метафорик-синекдоха ва ҳоказо. Самолётнинг қаноти метафорик бирикмасида қанотига нафақат вазифа, балки шаклан ҳам ўхшайди.

Шунинг учун бу каби ҳолатларни функционал-метафорик кўчириш деса бўлади [3:83]. Ўзбек тилшунослигида компонент-семик таҳлилга эътибор ривожлана бошлагач, метафора табиатини ўрганишга ана шу таҳлил усуллари тadbик этишга интилишлар юзага кела бошлади. Шу хил йўналиш намоёндаларидан бири З.Тоҳиров метафорани лексема семемасининг прагматик семаси сифатида баҳолайди. Шунингдек, метафора ва ўхшатиш орасидаги фарқни услубда, шаклгагина кўради [3:74-76].

Қуйидаги мисолларда метафоралашган сўзлар гапда такрорга йўл қўймаслик мақсадида берилган:

Ўзбек тилида: - Шунинг учун ҳозирга қадар унинг бирорта мустақил асари йўқ, ҳаммаси икки киши-уч кишилаб ёзилган **ҳашар нимарсалар** эди. [6:10].

Француз тилида: - C'est pour cela qu'il était souvent sans travail, n'ayant en tête que quelques **projets en collaboration avec des auteurs**. (9-p)

ҲАШАР [a. j.ii. - йиғин, тўда; йиғи-лиш, анжуман, маж. қиёмат] Бирор ишни бажаришда кўпчиликнинг ихтиёрий, бега-раз иштироки, ихтиёрий кўмаги. *Халқ таомилига кўра, чойхоналар ҳашар йўли билан қурилади. Ў.Ҳошимов, Қалбингтақулоқсол. Бизнинг қишлоқда бувамнинг уйлари ҳашар билан қуригани эсимда. И. Раҳим, Қадрибад одамлар. Шаҳар ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктлардаги ариқларни ҳашар йўли билан тозалашни уюштириш даркор.* Газетадан. Ҳашар қилмок, Ҳашар ташкил қилмок, ҳашарда қатнашмок. *От чоптириб, элдан уста йиғинлар, Элдан ҳашар қилиб, гишт-лар қўйинлар.* «Юсуф ва Аҳмад». *Қиш бўлсаям ҳашар қилиб, ҳовлини созлади.* Т.Мурод, От кишнаган оқшом [4:551].

Маълумки, юқорида таъкидланганидек "ҳашар" ўзбек миллий маданиятига хос сўз бўлиб, бунда халқ билан биргаликда бажарилувчи ободонлаштириш ва қурилиш ишлари тушунилади. Бироқ бу парчада ёзувчининг бошқа кишилар меҳнатидан ҳамда ёрдамидан фойдаланиб ёзганлари назарда тутилмокда. Мазкур сўз бажарилган ишларнинг сифати ва натижа кўпчиликка тегишли эканлиги каби ахборотларни ўзида ифодалаб келиб, бунда маъно кенгайиши кузатилади. Маънонинг торайиши ва кенгайиши каби лингвистик ҳодисалар тилшуносликда ўзига хос тарзда тадқиқ этилган. Бу ҳодиса, айниқса, лексикологик сатҳда атрофлича ўрганилган бўлиб, кўпчилик ишларда лексик маъно доирасида таҳлил этилган. Аслида маъно умумлашма тарзида ҳар қандай бутунлик учун ўзига хос бўлган хусусият бўлиб, тилнинг барча сатҳ элементларига дахлдор ҳодиса ҳисобланди. Чунки диалектик қонуниятда шакл мавжуд экан, унинг

маъноси-мазмуни ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳар қандай шакл остида муайян маъно ётиши узоқ даврлардан буён ҳаммани қизиқтириб келган. Маънонинг торайиши ва кенгайишига дастлаб, лингвистик асослар, иккиламчи тарзда экстралингвистик асослар таъсир этади. Лингвистик асосларни бутун лексик система ҳодисалари ташкил этади. Айниқса метафора, метонимия, синекдоха, вазифадорлик, троплар, симфора, гипербола, литота, эпитет, ирония, перифраз, ўхшатиш, полисемия, моносемия, окказионализм, конверсиялар, энантисема каби ҳодисаларнинг таъсири орқали маънонинг ўзгариши ўзига хос тарзда кечади. Шунинг унутмаслик керакки, маънонинг ўзгаришига бир вақтнинг ўзида ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик асослар таъсир этади. Юқорида келтирилган парчанинг французча таржимаси маданий маълумотлар асосида юзага келган. Яъни “ҳашар” сўзининг умумий маъноси “**projets en collaboration avec des auteurs**” тарзида берилган.

Яна бир мисол ўзида миллий колоритни акс эттириб келган:

Ўзбек тилида: - Негаки ишни ўзингиз бажаргандан

Адабиётлар

1. Авеличев А.К. Метафора и контекст. Вест. Моск. Ун-та. Сер.10. Филология. 1974, №3, - С. 30-40.
2. Гюлюмянс К.М. Образное употребление названий животных в сравнениях и метафорах.
3. Қобулжоннова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини., фил.фанлари номзоди...диссерт., -Тошкент: 2000.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.V том. -Т.: Давлат илмий нашриёти. 2006.
5. Ибрагимов Х., Мансуров У. Французча-ўзбекча луғат. -Т.: “Нихол”, 2008.
6. Эркин Аъзам “Шовқин”, - Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 189-б.
7. Erkin A'zam « Adieu aux contes de fées », traduit par Shaazim Minavarov. –Tachkent: 2015, -P. 280.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада метафоралар таржимасига хос масалалар таҳлил этилган. Ушбу кўчим турининг адекват таржима қилинишида тўлиқ матн моҳиятини англаш муҳим аҳамият касб этиши очиб берилган. Шунингдек, таржима назарияси мутахассисларининг ушбу муаммага оид фикр-мулоҳазалари ўрганилган. Метафора мураккаб кўчим бўлиб, унинг таржимаси алоҳида эътибор талаб этади. Мақолада қайд этилган таҳлиллар метафора таржимасида унинг миллий-маданий хусусиятлари контекст орқали яққол намоён бўлиши бадий асарлардан келтирилган мисоллар орқали акс эттирилган. Матн таркибида келувчи сўзнинг қандай кўчим асосида юзага келишини компонент таҳлил орқали яққол кузатиш мумкин. Зеро, таҳлилни ушбу тури қимёвий моддаларни бир-биридан ажратиб ўрганилганидек, сўзларнинг ҳам бир қанча семаларини алоҳида-алоҳида, чуқур таҳлил этишга хизмат қилади. Худди шунингдек, метафора турларини компонент таҳлил этадиган бўлсак, хилма-хил қонуниятларни ўз ичига олган назарияларнинг умумий жиҳатларини кўриш мумкин.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается анализу стилистического приёма метафоры в тексте художественной литературы. Рассматриваются также вопросы перевода метафоры и роль контекста в переводе. На основе анализа отрывков из художественных произведений известных узбекских писателей в переводе на французский язык показано, как передаются метафоры, отражающие национальную культуру.

SUMMARY

The article is devoted to the analysis of a stylistic device metaphor in the literary text. The author also studies the issues of translation of metaphor and role of the context in translation. On the basis of the analysis of extracts from the works of the famous Uzbek writers and their translation into French, it has been shown metaphors, reflecting the national culture.

ДИАЛОГ ТАРЖИМАСИДА ҚАҲРАМОН ХАРАКТЕРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ

К.Ю.Ташанов - филология фанлари номзоди, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: қаҳрамон характери, характер қирралари, диалог, драматик вазият, аслият, таржима, сўзма-сўз таржима.

Ключевые слова: характер героя, черты характера, диалог, драматическая ситуация, оригинал, перевод, буквальный перевод.

Key words: character of the hero, character traits, dialogue, dramatic situation, original, translation, literal translation.

Ёзувчи воқеликни бутун мураккаблиги, чигалликлари билан тасвирлар экан, қаҳрамонларни ҳаётнинг ўзидан олиб воқеалик юзага келтирган муаммоларни уларнинг ҳаракатлари, ҳис-туйғулари ва интилишларида тасвирлашга ҳаракат қилади. Уларнинг қай даражада ҳаққонийлиги конфликт ва ғоявий-мавзу моҳиятининг ҳаётийлигини таъминлайди. Рус адабиётшуноси В.А.Кухаренко бадий наср матни таҳлилида муаллиф ва қаҳрамон нутқини: а) *Муаллиф нутқи*; б) *диалог*; в) *ички нутқ*; г) *ўзиники бўлмаган - ўзлашган нутқларга* ажратиб қарайди. [4:133]

Биз шу таснифга асосланиб диалог ва уни таржимада қайта тиклаш муаммоси тўғрисида тўхталамиз. Бу масалани *диалог-вазият*, *диалог-характер*, *диалог-миллий характер* сингари йўналишида таржимада қайта тиклашни имкон қадар ёритишга уринамиз.

кўра, унга ҳайбарақаллачилик қилмоқ, бошчилик қилмоқ осон ҳам мароқли. Бу эса **шундай ширин, шундай мазали бир нишолдаки, ялай туриб** ҳар қандай қаламни синдириб отгингиз келади [6:11].

Француз тилида: - C'est toujours **plus confortable de diriger une entreprise** plutôt que de faire le travail soi-même [7:9].

Парчанинг француз тилидаги таржимасида миллий маданиятга оид сўз “нишолда” тушиб қолдирилган, натижада асардаги ўзига хос миллий хусусият хиралашган. Таржимада миллийликни ифодалаш таржимонда чуқур билим ва тажрибани талаб этади. Тушиб қолдирилган миллий маданиятга хос сўзлар матн моҳияти ва унинг қийматига жиддий таъсир кўрсатади. Шунингдек сўзнинг таржима жараёнида метафорик хусусиятини йўқотишига сабаб бўлади. Натижада метафоралашган сўз ҳатто контекстда ҳам ўз моҳиятини тўлиқ намоён эта олмайди. Демак метафора хусусияти ва моҳиятининг адекват таржимасини очиб беришда матн билан биргаликда ушбу кўчим ўзида мужассам этган маданий ахборотларни ҳам англаб етиш лозим бўлади.

Ойдинки, қаҳрамон характери асардаги бошқа пер-сонажлар билан ўзаро муносабатга киришганда ўзининг бутун қирралари билан намоён бўлади. Ана шу жиҳатдан олганда асар бадийлигини белгиловчи компонентлардан бир диалогда сўзловчи, суҳбатдош ва улар ўртасидаги мулоқотга асос бўлган объект аро муносабатлар нисбатан аниқ ажралиб туради. Нутқнинг ички тўзлишида бу нисбатнинг бузилиши маълум маънода эмоционал-экспрессивлик касб этади. Бадий асар матнида қаҳрамон бошқа характер билан муноса-батга киришар экан, унинг нутқи, муаллиф тавсифлари-сиз ҳам тасвирланиши мумкин. Ёзувчи тавсифлари қаҳрамоннинг тасвирланаётган вазиятдаги ҳолатини кўрсатишга хизмат қилиб, унинг нутқида очилмаган характер қирраларини тўлдиришга ҳисса қўшади. “*Бундай ҳолда*,- деб ёзади Л.И.Еремина, - *тасвир усу-лидаги “персонаж субъективлиги” “муаллиф объек-*